БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (398)
23 АВГУСТ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланган халқаро илмий-техника конференциясининг раиси Баба жанобларига СССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. Булганиннинг телеграммаси (1-нчи бет).

Румыния озод қилинган куннинг 11 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун ўртоқ Н. С. Хрушчев Бухарестга келди (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида Югославия парламент делегацияси шарафига қабул маросими (1-нчи бет).

Украина колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатдан олдин бажардилар (1-нчи бет).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА (2-нчи бет).

**О. Алимов.** — Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим резерви (2 ва 3-нчи бетлар).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ УЧУН МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАК БАЗАСИ ЯРАТАЙЛИК!,—Чорва моллари учун мўл-кўл силос (3-нчи бет).

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланган халқаро илмий-техника конференцияси ёпилди (4-нчи бет).

# АГИТАТОР

Агитатор — оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда марказий фигурадир. Агитатор партиямизнинг омма ўртасидаги вакилидир, партиямиз фикрини ифодаловчи, партия қарорларини бажариш учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун курашучи кишидир.

КПСС Марказий Комитети коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини ҳал этишда омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий агитация ишлари муҳим ва ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқдириб келмоқда. Чунки, сиёсий агитация хўжаликка раҳбарлик қилишда партия ташкилотларимиз қўлидаги энг муҳим воситадир. Шундай восита бўлмаса, партия ташкилотлари хўжалигимиз ишларига ўз ижобий та'сирларини ўтказаолмаган, раҳбар ташкилот сифатида ўз ролини бажараолмаган бўлур эдилар. Хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасида орттирилган бой тажриба, партия иши практикаси хўжалик соҳасида эришилган ютуқлар жонли кишилар блан олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг даражасига боғлиқ эканлигини, ташкилий ва сиёсий ишлар қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, хўжалик соҳасидаги ютуқлар ҳам шунчалик кўп бўлажагини тўла исботлайди. Партия ташкилотлари ана шу ҳақиқатга қаттиқ амал қилишлари, сиёсий агитация ишларини ҳаётга жуда яқинлаштиришлари, уни ҳарбир район, колхоз, МТС ва совхоз олдида турган хўжалик вазифалари блан чамбарчас боғлаб олиб боришлари керак.

Агитаторлар фақат муваффақиятлар ва ютуқлар тўғрисидагина гапирмасдан, балки ишимиздаги камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида ҳам гапирмоқлари керак, меҳнаткашларга реал ҳақиқатни билиб олишга ёрдам бермоқлари зарур. Чунки партия ва халқимизнинг мақсадлари бирдир. Ба'зибир агитаторлар бўлса фақат муваффақиятлар тўғрисида гапиришга одатланиб қолганлар. Улар камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида гап очилганда, суҳбатни бошқа ёққа буриб юборадилар. Бу, албатта, сиёсий агитациянинг та'сирини пасайтириб юборади, ишдаги камчиликларни йўқотишга ёрдам бермайди. Чунки меҳнаткаш омма ҳамма нарсани билиб турганида, ҳамма нарса тўғрисида ўз фикрини айтаолганида ва ҳамма ишни онгли равишда қиладиган бўлгандагина давлатимиз кучли ва қудратли бўлади.

Ҳарбир агитатор колхоз, МТС ва совхознинг ишидан, ҳарбир колхозчи, механизатор, совхоз ишчисининг аҳволи, унинг қандай ишлаётганлигидан доим хабардор бўлиб туриши, маҳаллий фактлардан моҳирлик блан фойдаланабилиши, ўзи ўтказадиган суҳбатини колхоз, совхоз, МТС, бригада, звено ва ҳатто айрим колхозчи, совхоз ишчисининг кундалик ҳаётидан олинган фактлар блан мустаҳкамлаши керак. Агитатор ҳарбир звено ёки бригада бугун қандай ишлаганлигини, мусобақада ким ғолиб чиққанлигини, ким орқада қолаётганлиги ва бунинг сабабларини ўз тингловчиларига ма'лум қилиб турмоғи керак. Ана шундай қилинганда агитациядан кутилган мақсадга эришиш, агитацияни чинаккам та'сирли қилиш мумкин бўлади, шундай агитациягина ижобий натижалар келтиради.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳарбир колхозчи, МТС ёки совхоз ходими агитаторлардан партия ва ҳукумат қарорларини ҳамда бўлаётган воқиаларни билиб олишнигина эмас, шу блан бирга ўзининг ўйлари ва орзуларини у блан ўртоқлашишни, ўзининг эҳтиёжлари тўғрисида гапириб беришни, зарур ёрдам олишни ҳам истайди. Агитаторлар ўзлари олиб борадиган ишнинг ана шу муҳим томонини унитмасликлари зарур.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, агитатор кадрларни танлаш ва тарбиялаш масаласига, сиёсий агитациянинг юқори савияли ва та'сирчан бўлиши масаласига алоҳида э'тибор бердилар. Партия ташкилотлари партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорлари асосида ҳарбир колхоз, МТС ва совхозда сиёсий агитация ишларини анча жонлантириб юбордилар.

Масалан, Калинин районидаги Молотов номли колхозда агитация ишлари ана шундай мақсадга мувофиқ йўлга қўйилган. Колхоз бошланғич партия ташкилоти тақдими блан район партия комитети бюросида тасдиқланган агитаторлар составига сиёсий ҳозирлиги пухта, колхозчилар орасида обрўга эга бўлган кишилар киритилди. Агитаторлар ўз ишларини колхоз бригадаларида қурилган ва мукаммал жиҳозланган типовой дала шийпонларида, партия бюроси тасдиқлаган махсус иш плани асосида олиб бормоқдалар. Колхознинг энг актив агитаторларидан Қодиров ва Алиев ўртоқлар колхозчиларга газеталардан хабар ва мақолалар ўқиб беришни, улар орасида партия ва ҳукуматимизнинг муҳим қарор ва тадбирларини ишлаб чиқишни, радио орқали берилган махсус эшитдиришларни коллектив бўлиб тинглашни намунали уюштирмоқдалар, суҳбатларни жонли ва мароқли қилиб ўтказмоқдалар. Улар колхозда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шунингдек, райондаги «XVIII партс'езд» колхоз партия ташкилоти ҳам сиёсий агитация ишларини дуруст йўлга қўйган. Колхоз агитаторлари колхозчилар ўртасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамиз пахтакорларига қарата чиқарган Мактуби юзасидан бир неча марта суҳбат ўтказдилар. Ўтказилган суҳбат вақтида колхознинг 3-нчи ва 4-нчи пахтакор бригада а'золари ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олдилар.

Аммо ба'зибир район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий агитация ишларига етарли э'тибор бермаётирлар. Бекобод район партия комитети сиёсий агитация ишларига иккинчи даражали иш деб қарамоқда. Районда сиёсий агитацияни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлгани ҳолда бу муҳим ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганига қандай баҳо бериш керак? Бунинг сабаби район партия комитетининг сиёсий агитация ишлари блан жиддий шуғулланмаётганлигидир. Райондаги кўпчилик колхоз бригадаларидаги дала шийпонлари сиёсий агитациянинг ҳақиқий марказига айланмаган. Район партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Эшонхўжаев колхоз бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий агитацияни олиб боришдаги иш фаолияти блан қизиқмайди. Районда сиёсий агитация ишларининг сусайтириб юборилганлиги натижасида колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Сиёсий агитация ишларини уюштиришдаги мана бундай юзакичиликка тезда хотима бермоқ керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари, колхоз, МТС ва совхоз партия ташкилотлари сиёсий агитация ишининг мазмуни блан узлуксиз равишда қизиқишлари, бу ишда йўл қўйилаётган камчиликларга дарҳол барҳам беришлари, сиёсий агитация соҳасида эришилган ижобий тажрибаларни умумлаштиришлари ва кенг ёйишлари керак. Партия ташкилотларимиз агитаторларни кунт блан тарбиялаб ўстиришга, уларнинг сафини тобора кенгайтиришга алоҳида э'тибор блан қарашлари, уларга доимо амалий ёрдам бериб туришлари керак.

Партия ташкилотларимиз агитация ишини шундай йўлга қўйишлари керакки, у ҳарбир колхозчига, совхоз ишчисига ва МТС механизаторига ўзи бажараётган иш Коммунистик партия раҳбарлигида халқимиз амалга ошираётган буюк ишнинг ажралмас қисми эканлигини чуқур ҳис қилаолишига ёрдам берсин.

---

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### Ёзучи Н. Н. Никитинни Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Бадиий адабиёт соҳасидаги хизматлари учун, туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати блан ёзучи Николай Николаевич **Никитин Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.**

Москва Кремль
1955 йил 20 август.

---

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА СИЛОСЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 20 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

## М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

| Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши | Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши |
|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 68,8 | Мирзачўл | 24,5 |
| Қуйичирчиқ | 55,9 | Октябрь | 22,8 |
| Ўртачирчиқ | 54,5 | Чиноз | 22,1 |
| Янгийўл | 43,8 | Сирдар'ё | 20,9 |
| Оржоникидзе | 33,9 | Бекобод | 17,3 |
| Бўка | 33,1 | Паркент | 14,7 |
| Калинин | 30,8 | Тошкент | 13,8 |
| Ўртасарой | 30,1 | Оҳангарон | 10,9 |
| Қорасув | 28,8 | Ховос | 9,2 |
| Пискент | 26,9 | Боёвут | 8,7 |
| Гулистон | 25,8 | Верхне-волинск | 6,0 |
| Юқоричирчиқ | 25,0 | Жам'и: | 27,1 |

## *Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишланган Халқаро илмий-техника конференциясининг раиси*

# *Б А Б А жанобларига*

ЖЕНЕВА

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга бағишлаб Женевада ўтказилган ва ўз ишини тамомлаётган Халқаро конференция атом энергиясидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш каби муҳим соҳада халқаро ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги катта қадамдир.

Конференцияда фикр олмошинганлиги ва ахборот берилганлиги бу соҳада фан ва техникани янада юксалтириш ишига қимматли ҳисса қўшади.

Бу конференция тинчлик ишига шубҳасиз хизмат қилади ва халқаро кескинликни янада юмшатишга ёрдам беради.

Совет Ҳукумати конференциянинг барча қатнашчиларини эришилган муваффақият блан табриклайди ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик иши барча мамлакатлар олимларининг шундай кенгашларни мунтазам суратда чақириб туриш йўли блан давом эттирилади, деб ишонч билдиради. Бу конференция ана шу халқаро ҳамкорлик ишига ғоят муваффақиятли суратда асос қўйди.

**ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.**

1955 йил, 19 август.

---

# Румыния озод қилинган куннинг 11 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ Бухарестга келди

БУХАРЕСТ, 21 август. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев Совет Армияси томонидан Румыниянинг фашистлар асоратидан озод қилинганлигига 11 йил тўлиши муносабати блан бўладиган байрамда қатнашмоқ учун Румыния ҳукуматининг таклифи блан бугун Бухарестга келди.

Н. С. Хрушчевни аэродромда Румыния Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Г. Георгиу-Деж, Буюк Миллат Мажлиси Президиумининг Раиси Петру Гроза, Румыния ишчи партияси Марказий комитетининг Биринчи секретари Г. Апостол, Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосарлари И. Кишиневский, К. Стойка ва А. Могиорош, Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари М. Константинеску, Э. Боднараш ва П. Борила, Румыния ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси К. Пирвулеску, Румыния ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюроси а'золигига кандидатлар Д. Колиу ва А. Дрэгич, Румыния ишчи партияси Марказий комитетининг секретари Я. Фазекаш, Румыния касаба союзлари Марказий кенгашининг раиси С. Морару, министрлар, Румыния ишчи партияси Марказий комитетининг а'золари, «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетасининг бош редактори М. Б. Митин ва бошқа расмий шахслар кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчевни СССРнинг Румыниядаги Элчиси А. А. Епишев бошчилигида Совет элчихонасининг ҳамма ходимлари, Бухарестдаги бошқа четэл дипломатик ваколотхоналарининг бошлиқлари ва а'золари, Румыния озод қилинган куннинг байрам қилинишида қатнашмоқ учун Бухарестга келган делегациялар: Корея Халқ-Демократик Республикасининг, Чехословакия Республикасининг ва Германия Демократик Республикасининг ҳукумат делегациялари, шунингдек румин ва четэл журналистлари ҳам кутиб олдилар.

Аэродром Румыния Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди. СССР ва Румыния Халқ Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Аэродромда тўпланган жуда кўп меҳнаткашлар Н. С. Хрушчевни қизғин табрикладилар. Пионерлар унга гулдасталар тақдим этдилар.

Н. С. Хрушчев аэродромда микрофон олдида қуйидаги баёнотни берди.

## Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ баёноти

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Румыниянинг фашистлар асоратидан озод қилинганлигига 11 йил тўлишига бағишланиб ўтказиладиган миллий байрамда қатнашмоқ учун Румыния Халқ Республикасининг шонли пойтахти Бухарест шаҳрига келиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Ҳукумати ва СССР Олий Совети Президиуми номидан, бутун совет халқи номидан Румыния Халқ Республикасининг меҳнатсевар халқига қизғин қардошлик саломини топшираман!

Совет халқи Румыния Халқ Республикасининг ишчилар синфи, деҳқонлари ва интеллигенцияси Румыния ишчи партияси раҳбарлиги остида ўзларининг эркин ва мустақил ҳаётининг 11 йили мобайнида эришган ажойиб муваффақиятларга чин кўнгилдан қувонади ва сиз, азиз дўстларга социализм асосларини қуришда янги катта муваффақиятлар тилайди.

Яшасин Румыния Халқ Республикаси!

Яшасин румин халқи блан совет халқи ўртасидаги бузилмас дўстлик!

---

# СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ ҳузурида Югославия парламент делегацияси шарафига қабул маросими

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлган Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ Халқ Скупшчинаси делегациясини 20 августда қабул қилди.

Қабул маросимида Хорватия Халқ Республикаси Собори раиси Владимир Бакарич бошчилигидаги делегация а'золари ҳозир бўлдилар.

К. Е. Ворошилов югославияли меҳмонларга мурожаат қилиб, буерда — СССР Олий Совети Президиумининг Мажлислар залида қардош югослав халқининг вакилларини чин кўнгилдан табриклаши блан хурсанд эканлигини айтди. Халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда, — деди К. Е. Ворошилов, — ниҳоят чин баҳор бошланди. Бу баҳордан кейин иссиқ ва ёқимли ёз келади. Совет ҳукумат делегациясининг яқинда Югославияда бўлганлиги ана шу баҳорнинг биринчи қалдирғочи эди, сизнинг Совет Иттифоқига қилган сафарингиз худди шундай иккинчи қалдирғочдир. Ўзаро шундай сафарларнинг тез-тез такрорланишини, қардошларча дўстлигимизнинг янада мустаҳкам ва бузилмас дўстлик бўлиб қолишини истайман.

К. Е. Ворошилов ишонч билдириб айтдики, Югославия парламент делегациясининг а'золари ўз ватанларига қайтиб борганларидан кейин, шунингдек совет кишилари ҳам иккала халқ ўртасидаги дўстликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун бутун чораларни кўрадилар.

Владимир Бакарич Югославия делегацияси номидан ўртоқ К. Е. Ворошиловга унинг самимий табрик сўзлари учун ташаккур билдирди. Делегация, деди В. Бакарич, СССР Олий Советининг сессиясида ҳозир бўлишдек катта шарафга муяссар бўлди. Делегация ҳаммаерда ғоят самимий кутиб олинди. В. Бакарич ҳар иккала мамлакат ўртасида ривожланиб бораётган дўстона муносабатлардан ғоят қаноат ҳосил қилганлигини айтди ва Совет ҳукумат делегациясининг Югославияга қилган сафари СССР ва Югославия ўртасидаги муносабатлар тарихида жуда катта воқиа эканлигини та'кидлади.

Салкам бир соат давом этган ўртоқларча самимий суҳбат вақтида делегация а'золари Совет Иттифоқига қилган сафарларидан олган таассуротлари тўғрисида гапирдилар.

Иттифоқ Халқ Скупшчинасининг депутати Борис Зихерл бундан 9 йил илгари СССРда бўлган. У, қурилиш соҳасидаги муваффақиятлар ўзида ғоят кучли та'сир қолдирганлигини айтди. Аммо, мен учун энг қимматли нарса, деди Б. Зихерл, совет кишилари блан учрашишдир. Совет кишилари Совет ҳукуматининг Югославия блан қардошларча муносабат ўрнатишга қаратилган сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини кўриб ишондик. Биз, ана шу муносабатларни ривожлантириш учун яхши асос яратилди, деб айтаоламиз.

Делегация а'зоси Грета Кавай ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ва, жумладан халқ хўжалигида совет хотин-қизлари катта роль ўйнаётганлигини та'кидлади. Франьо Гажи қишлоқ хўжалиги техника блан юксак даражада та'минланганлиги ҳақида гапирди.

К. Е. Ворошилов Югославия парламент делегацияси а'золари блан хайрлашар экан, совет ва югослав халқлари ўзаро муносабатларини чин кўнгилдан, соф виждон блан ривожлантирадилар ва мустаҳкамлайдилар, деб ишонч билдирди. К. Е. Ворошилов СССР Олий Совети Президиумидан ва шахсан ўз номидан ўртоқ Иосип Броз Титога, ўртоқ Моша Пьядега самимий салом топширишни ва Югославиянинг барча халқларига қардошларча буюк салом топширишни сўради.

Югославиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Видич ва Элчихона Маслаҳатчиси Ф. Бабич делегация блан бирга келдилар.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Ш. М. Арушанян ва В. И. Козлов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Бюджет комиссиясининг раиси А. М. Сафронов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ёрдамчиси Б. А. Кочетков, СССР Олий Совети Президиумининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

---

# *Украина колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар*

Украина ССР колхоз қишлоғининг меҳнаткашлари, совхоз ва МТС ходимлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришга эришмоқ ва бу блан партия ҳамда ҳукуматнинг аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хомаш'ёга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги қарорларини бажармоқ учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

Украина партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари орасида катта ташкилотчилик ишлари олиб борди. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун кураш ҳақиқатан ҳам умумхалқ иши бўлиб қолди. Машина-трактор станцияларининг ишлаб-чиқариш фаолияти анча яхшиланди, саноатнинг малакали инженерлари, техниклари ва бошқа мутахассислари ҳисобига кўпгина МТСлар кадрлар блан мустаҳкамланди.

1954 йил кузида мўл ҳосилнинг мустаҳкам негизи вужудга келтирилди, 11 миллион гектардан кўпроқ ерга кузги экинлар энг яхши агротехника муддатларида экиб олинди, ерлар кузги шудгор қилиб қўйилди. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари доннинг ялпи ҳосилини кўпайтириш ғамини еб, 1955 йил кўкламида қишда нобуд бўлган кузги экинларнинг ўрнига қайтадан экиш ва сийрак чиққан экинларнинг хатосини экиш соҳасида катта иш қилдилар. Эртанги дон экинларининг ва чопиқ қилинадиган экинларнинг ҳаммаси қисқа муддатларда юқори сифатли қилиб экиб олинди. Ҳамма жойда маккажўхори, кунгабоқар, қанд лавлагининг сийрак чиққан жойларига тўлдириб экилди ва кўчат қилинди.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари фидокорона меҳнат қилганликлари туфайли, партия ва совет ташкилотларининг ташкилотчилик ишлари яхшиланганлиги натижасида республикада яхши ҳосил етиштирилди, бу эса бу йил колхозлар ва совхозларнинг ғалла тайёрлаш давлат планини (маккажўхоридан ташқари) муддатидан олдин, 18 августда 101,7 процент бажаришларига имкон берди. Асосий озиқ-овқат экини бўлган буғдой ҳосилидан тайёрлаш пунктларига 301,3 миллион пуд топширилди.

Украина қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Ватанимиз экономикасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, давлатга пландан ташқари 150 миллион пуд дон топширишга қарор қилдилар. Бу йил колхозлар ва совхозлар давлатга ҳаммаси бўлиб энг серҳосил йил бўлган 1952 йилдагига қараганда 74 миллион пуд кўп ғалла топширадилар. Колхозчиларнинг меҳнат кунига натура ва пул блан тўланадиган ҳақ анча ортади.

Украина колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари чорвачиликка керакли мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ҳамда сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш учун курашиб, энг қимматли озиқ-овқат ва ем-хашак экини маккажўхори экишни анча кенгайтирдилар. Гарчи маккажўхори Украинада азалдан бери экилиб келаётган бўлса ҳам, броқ, республикада маккажўхори бу йилгидек кўп экилмаган эди. Ҳозир ҳарбир колхоз ва совхозда маккажўхори экилмоқда. Маккажўхори экилган майдон 1955 йилда 6 миллион гектардан ошиб кетди ва ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайтирилди. Ҳамма ерларда маккажўхори фақат квадрат-уялаб экилди.

Колхоз ва совхозларда чорвачилик муваффақиятли равишда ривожлантирилмоқда. Республика колхозларида сигирларнинг сони 1953 йил 1 октябрьдан 1955 йил 1 августгача бўлган давр ичида 511,6 минг бош, ёки 28 процент кўпайди. Колхозларда 1 августгача сут 1954 йилдагига қараганда 33,4 процент кўп соғиб олинди ва давлатга 1954 йилдагига қараганда 300 минг тонна кўп сут топширилди. Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари гўшт, тухум ва жун етиштиришни анча кўпайтирдилар.

Жанубий областьларда маккажўхорини думбиллигида ўриб-йиғиб олиш ва силос қилиш бошланди. Колхоз ва совхозларнинг кўпчилиги мўл ҳосил олмоқдалар. Бу йил фақат маккажўхори сўтасининг ўзидангина 8,5 миллион тонна силос бостирилмоқчи, бу эса ҳосил энг яхши бўлган йилларда тайёрланган бутун силоснинг миқдорига баравардир. Маккажўхори сўталарини силос қилиб бостирмоқ учун керакли силос иншоотларининг ҳаммаси қуриб битказилди ва цементлаб қўйилди. Бу йил ҳаммаси бўлиб 30 миллион тоннадан кўпроқ силос бостириш мўлжалланмоқда. Илғор колхозлардан ўрнак олиб, ҳозирги вақтда ширали ва дағал озиқаларни бир ярим-икки йилга етарли қилиб запас қилиб қўйиш ишлари авж олдириб юборилди.

Бу йил колхоз ва совхозлар қанд лавлагини 117 минг гектар кўп экдилар. Ҳозирги вақтда лавлагикорлар қанд лавлагини йиғиб-териб олишга ҳозирланмоқдалар, лавлаги топшириш планини муваффақиятли бажармоқ, бу йил мамлакатга камида 185 миллион пуд, я'ни энг серҳосил 1951 йилдагига қараганда 67 миллион пуд кўп қанд-шакар бермоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Броқ, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида қилинган бу ишлар фақат дастлабки қадамларгинадир. Ҳали олдимизда катта ва қизғин иш турибди.

Республика колхозлари, МТСлари ва совхозлари давлат олдидаги ўзларининг биринчи бурчларини — ғалла тайёрлаш планини муваффақиятли бажариб, келгуси йилда мўл ҳосил олмоқ учун мустаҳкам негиз вужудга келтирмоқдалар, маҳаллий ўғитларни анча кўп тайёрлаб қўйдилар, кузги экинларни экиб олмоқ учун ўзларини уруғликлар блан тўла равишда та'минлаб қўйдилар, баҳори экинларнинг уруғлигини жам'лаб қўймоқдалар. Республикада кузги экинларни экиш бошлаб юборилди, кузги шудгор учун ер ҳайдалмоқда. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари бу ишларни энг яхши муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПССнинг XX с'езди чақирилиши тўғрисидаги хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлдилар ва қишлоқ хўжалик ишларини муваффақият блан тугалламоқ, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини топшириш давлат планини тўла ва ошириб бажармоқ, колхозлар ва совхозларда бўлган жуда катта резервларни ишга солмоқ ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришга эришмоқ учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

